

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ОРИБЖОН РАХИМБЕРДИЕВИЧ

**СИРПАНИШ ПОДШИПНИКЛАРИНИ КУКУН МЕТАЛЛУРГИЯСИ
УСУЛИДА ОЛИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Радиоактив, камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Худайбердиев Орибжон Рахимбердиевич

Сирпаниш подшипникларини кукун металлургияси усулида олишнинг
ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Худайбердиев Орибжон Рахимбердиевич

Разработка ресурсосберегающий технологии получения подшипников
скольжения методам порошковой металлургии.....23

Khudayberdiev Oribjon Rakhimberdievich

Development of resource-saving technology for producing plain
bearings using powder metallurgy methods41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ОРИБЖОН РАХИМБЕРДИЕВИЧ

**СИРПАНИШ ПОДШИПНИКЛАРИНИ КУКУН МЕТАЛЛУРГИЯСИ
УСУЛИДА ОЛИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси.
Радиоактив, камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда композицион антифрикцион материалларни ишлаб чиқариш аслида алоҳида саноат тармоғи бўлиб, уларни ишлаб чиқариш минимал харажатларда максимал даражада самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ҳолатда доимий равишда материалларга бўлган талабларнинг ошиб бориши ҳисобига шаклланган. Машинасозликда машина ва механизмларнинг ҳаракатланадиган ишқаланиш узелларининг ишқаланиш коэффицентини камайтирадиган ва сезиларли даражада ишчи ресурсларини ошириш имконини берадиган антифрикцион кукунли ғовак материалларнинг қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида аниқ эксплуатация шароити учун берилган хоссаларни олиш мақсадида кукун композициясига маълум бир қўшимчани қўшган ҳолда янги кукунли антифрикцион материалларни яратиш бўйича кўп миқдорда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги давр ушбу йўналишда турли конструкциялар ва шароитларда ишлашга лаёқатли универсал антифрикцион материалларни яратишни тақозо этади.

Республикамизда металлургия соҳаси жадал суъратлар билан ривожланмоқда. Шу билан бир қаторда импорт ўрнини босиш масалалари ва хомашё материалларини максимал даражада янги инновацион технологияларни қўллаган ҳолда ишлатишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишининг тўртинчи пунктида жумладан «...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ қилишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу боис, «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖда темир кукуни асосида ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит қўшилган янги антифрикцион материалларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 24 майдаги Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан ўтган учрашуви 21-сонли мажлис баёни қарорининг 64-банди ижросини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

таъминлаш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергоресурстежамкорлик, машинасозлик ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли шароитларда ишлайдиган антифрикцион материалларни олишнинг технологик усуллари ва уларни тадқиқот қилиш билан қуйидаги олимлар шуғулланганлар: В.Шатт, Ш.Даннингер, Р.Джонсон, Де.Гроат, Васида Акира, Касаи Мисами, Мадоно Осаму, Сэгава Такэо, И.М.Федорченко, Л.И.Пугина, М.Ю.Большин, Н.Г.Короленко, В.И.Благин ва бошқалар. Турли хил жабҳа ва шароитларда қўлланиладиган антифрикцион материалларни, жумладан темир асосли материалларни яратиш ва татбиқ этишда эса А.Д.Мошков, В.Джонс, М. V.Karpets, Jr.David, K.S.Narasimhan, J.H.Kong, H.Ovri, проф. А.А.Мухамедов, проф. Р.У.Каламазов, проф. Ф.Р.Норхуджаев, проф. С.Д.Нурмурадовларнинг илмий мактаблари иш олиб бормоқда.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, маҳаллий хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан антифрикцион металлокерамик материалларни яратиш бўйича ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш жараёнлари чуқур ўрганилмаган. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институтида илмий-тадқиқот ишлари режаларига биноан «Ишлаб чиқариш корхоналарининг иш самарадорлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш» (2018-2020йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ да ишлаб чиқарилган темир кукуни асосли ва ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит кўшимчасидан иборат ғовакли антифрикцион металлокерамик қотишма олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш;

пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишма оптимал таркибининг қотишманинг трибология хоссаларига таъсирини ўрганиш ва уни аниқлаш;

пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани ишлаб чиқаришнинг техник регламентини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖ да ишлаб чиқарилган темир кукуни асосли ва ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит кўшимчасидан иборат ғовакли антифрикцион металлокерамик қотишмалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани олиш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида темир кукуни асосли антифрикцион материалларни олишнинг назарий ва амалий методологияси бўйича илмий-техник ахборотлар таҳлили, пресслаш ва қиздириб пишириш технологияси, механик ва трибологик синашлар, кукунли антифрикцион материалнинг микро ва рентгеноструктура таҳлиллари бўйича лаборатория экспериментларини ўз ичига олган замонавий усуллар қўлланилган.

Тажриба-ишлаб чиқариш шароитидаги синашлар ҳамда экспериментларни математик режалаштириш усулини қўллаб синаш натижаларига математик ишлов беришлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлик чегарасига технологик параметрлар, пресслаш босими ва қиздириб пишириш ҳароратининг таъсирлари аниқланган;

шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг структура-фазалар таркиби ишлаб чиқилган;

шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг оптимал таркиби (97% темир кукуни, 2% графит элементи ва 1% пирит) ишлаб чиқилган;

шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмадаги пирит микдорининг механик хоссаси, ғоваклик ва мойни шимдиришга таъсирлари асосланган;

«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖ да ишлаб чиқарилган темир кукуни асосли ва ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит кўшимчасидан иборат ғовакли антифрикцион металлокерамик қотишмани олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖ да ишлаб чиқарилган темир кукуни асосли ва ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит кўшимчасидан иборат ғовакли антифрикцион қотишманинг технологик жараёни ишлаб чиқилган;

ғовакли антифрикцион қотишманинг пресслаш ва қиздириб пишириш режимлари ишлаб чиқилган ва асосланган. Пресслаш босими 600 МПа ва қиздириб пишириш ҳарорати 1100⁰С бўлган ҳолатда мустаҳкамлик бўйича чўзилишга бўлган мустаҳкамликни 15 – 20% га ошириш технологияси ишлаб чиқилган;

стандарт жиҳозларнинг унумдорлигини 30-40% гача оширадиган шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг ишлаб чиқариш бўйича техник регламенти ишлаб чиқилган;

ейилишга чидамлиликини 1,5-2,0 мартагача оширадиган шихтасига 1% пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган, темир кукуни асосли ва ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит қўшимчасидан иборат ғовакли антифрикцион қотишманинг технологик жараёнини ишлаб чиқишда экспериментал тадқиқотларнинг кўплиги ва экспериментларни математик режалаштириш усулини қўллаб, экспериментлар натижаларининг математик асосида қайта ишлов берилиши замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир асосли антифрикцион қотишмадаги пирит миқдорининг унинг механик хоссаси, ғоваклиги ва мой шимдирилишига таъсирининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани олишнинг технологик режимларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишма технологиясини ишлаб чиқиш учун олиб борилган тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани олиш бўйича ишлаб чиқилган (шихтадаги пирит миқдори 1%) технология «Олмалик ТМК» АЖ қошидаги «Ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш ИИЧБ»да амалиётга жорий қилинган («Олмалик ТМК» АЖнинг 2020 йил 02 июлдаги АА005125 - сон маълумотномаси). Натижада, қотишманинг ейилишга чидамлилигини 1,5-2 бараварга ошириш имконини берган;

пресслаш босими 600 МПа ва қиздириб пишириш ҳарорати 1100⁰С бўлган ҳолатда мустаҳкамлик бўйича чўзилишга бўлган мустаҳкамлик 15–20% га ошириш технологияси «Олмалик ТМК» АЖ қошидаги «Ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш ИИЧБ»да амалиётга жорий қилинган («Олмалик ТМК» АЖнинг 2020 йил йил 02 июлдаги АА005125-сон маълумотномаси). Натижада қотишманинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлигини 15–25% га ошириш имконини берган;

шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг ишлаб чиқариш бўйича техник регламенти «Олмалик ТМК» АЖ қошидаги «Ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб

чиқариш ИИЧБ»да амалиётга жорий қилинган («Олмалик ТМК» АЖнинг 2020 йил йил 02 июлдаги АА005125-сон маълумотномаси). Натижада, стандарт жиҳозларнинг унумдорлигини 30-40 % гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика илмий-техник ва 2 та халқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та иш нашр қилинган. Шулардан 5 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғоваксимон антифрикцион материалларни ишлаб чиқариш технологияси**» деб номланган биринчи бобида темир ва рангли металллар кукунларидан тайёрланган ғовакли антифрикцион материалларга қўйилган талаблар, уларнинг қўлланилиш соҳалари ҳамда ютуқлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Кукун металлургияси усулида кўп миқдорда антифрикцион материаллар ишлаб чиқиш имконияти яратилганини кўрсатди. Шу билан бирга антифрикцион материалларнинг турли хил шароитларда қўлланилиши натижасида турли мақсадлар учун ишқаланиш узелларида ишлаш қобилиятига эга бўлган универсал антифрикцион материаллар яратиш мумкин эмас. Адабиёт манбаларининг таҳлили темир-графитли антифрикцион материаллар бронза асосли ва баббит қотишмали подшипник материалларининг муваффақият билан алмаштирилаётганини кўрсатди. Темир асосли сульфидланган материаллардан тайёрланган ишқаланиш узелларининг ишлаш муддати бронза асосли ва баббит қотишмалари ҳамда бронза асосли қиздириб пиширилган материалларга қараганда сезиларли даражада юқори ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи ҳамма қилинган тадқиқот ишларида шихтада пиритнинг ишлатилиши ва унинг антифрикцион хоссаларга таъсири ҳақида ҳеч қандай маълумотлар келтирилмаганини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Кукун металлургияси усулида антифрикцион қотишма олиш учун объект танлаш ва уни тадқиқот қилиш методикаси**» номли иккинчи бобида тадқиқот қилиш объекти ва тадқиқ қилиш учун қўлланилган усуллар берилган. Тадқиқот қилиш объекти сифатида маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган, кукунларни пресслаш ва қиздириб пишириш асосида олинган буюмлар ҳақида маълумот берилган. Темир кукунлари «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖда «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖда ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган темир куйиндиси (окалина) ни қайта тиклаш йўли билан олинган. Олтингургуртли қўшимча сифатида «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖнинг ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган пирит ишлатилган.

Намуналар микроструктурасининг тадқиқоти тайёрланган шлифларда МИМ-8, Неофот-21 металлографик микроскопларда таҳлил қилиш асосида амалга оширилган.

Рентгеноструктура таҳлилида темир асосли антифрикцион материаллардан пресслаб ва қиздириб пишириш орқали намуналарнинг кристалл тузилишининг нуқсонлилиги аниқланган. Тадқиқот ишлари ДРОН-3 рентген дифрактометри ёрдамида бажарилган.

Механик хоссани тадқиқот қилиш кукунли материалларни синаш бўйича мавжуд ГОСТ га бинонан ўтказилди.

Ейилишга чидамлик бўйича синаш ишлари МИ-1М ишқаланиш машинасида бажарилди. Пирит қўшимчаси қўшилган ва пиритсиз темир-графитли кукун материалларидан тайёрланган втулка синалди.

Эксперимент натижаларини қайта ишлаш математик статистика усуллари ҳамда экспериментларни математик режалаштириш йўли билан амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Темир асосли ғоваксимон антифрикцион қотишманинг физик-механик хоссалари**» номли учинчи боби темир-графитли қотишмани пресслаш ва қиздириб пишириш параметрларининг унинг структура ва хоссасига таъсирларини аниқлаш ҳамда шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир-графитли қотишмаларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича қилинган тадқиқот ишларига бағишланган натижалар келтирилган.


Шихтани тайёрлаш ва қайта ишлаш босқичлари ҳам катта таъсирлар ролини ўйнайди.

Кукун материаллари хоссаларининг шаклланиши ва ўзгариши босқичларининг универсал кўрсаткичларига пресслашнинг турли босимларида олинган кукун буюмларининг зичлиги киради. Кўп ҳолларда темир асосли янги антифрикцион материалларни яратиш базаси сифатида 1,5% дан 4% гача графитга эга бўлган темир графитли композициялар ишлатилади. Шунинг учун 2% графит ва Ўзбекистон металлургия комбинати

(Бекобод шахри) темир куйиндисидан (окалинадан) олинган темир кукуни асосли темир графитли қотишмани тадқиқот қилиш катта қизиқиш уйғотди. Юқорида қайд этилгандек, темир куйиндисидан (окалинадан) олинган кукуннинг гранулометриқ таркиби ПЖВ 160.24 маркали кукунниқига яқин ҳисобланади.

Турли преслаш босимлари (250-700 МПа) да олинган ва турли 1100⁰С, 1250⁰С ва 1300⁰С ҳароратларда қиздириб пиширилган темир графитли материалнинг кукунсимон структураларининг шаклланиш динамикасини тадқиқ қилиш ишлари бажарилди.

Темир асосли кукунли материал структурасининг ўзгариши 1-3-расмларда тасвирланган. 1-расмда тасвирланган графикдан ва намуналарнинг микроструктураларини таҳлил қилиш пресланган темир-графит зичлиги қўйилган босимнинг ошиши билан ошишини кўрсатди. Энг юқори зичликка 700 МПа босимда пресланиб олинган намуналарда эришилади, бу эса ўз навбатида ушбу материал учун максимал ҳисобланади. Бу ҳолда ғовакнинг тури ва унинг кесим бўйича тақсимланиши ўзгаради. Юқори босимда ғовакларни чўзиш ва майдалаш жараёнлари рўй беради. Қиздириб пишириш ҳароратининг ошиши ҳам ғовакликнинг камайишига олиб келади. Бу ҳолатда ғоваклар тахминан 2 микрон ўлчамга камаяди ва уларнинг шакли ҳам сферик шаклга яқин бўлади.




- - 1100⁰С ҳароратда қиздириб пишириш ҳарорати;
- Δ - 1200⁰С ҳароратда қиздириб пишириш ҳарорати;
- × - 1300⁰С ҳароратда қиздириб пишириш ҳарорати


1-расм. Темир-графитли қотишма зичлигининг преслаш босимиға боғлиқ равишдаги ўзгариши:

Антифрикцион кукунли қотишманинг микроструктураси икки фазали соҳа бўлиб, унда металл ва ғоваклар аниқ кўриниб туради. Дона ўлчамларининг ўзгариши ҳам рўй беради ҳамда 250-400 МПа босимда

донанинг ўлчами эса ~80 мкм ташкил этса, 500-700 МПа босимда донанинг ўлчами эса ~50 мкм ташкил этади. Қиздириб пишириш ҳарорати ошиши билан қотишма зичлигининг ошиши кузатилади. (2,3-расмлар)




X 200




X 800

2-расм. Пресслаш босими 400 МПа ва қиздириб пишириш ҳарорати 1100 °С бўлган темир-графитли намуналарнинг микроструктураси: зичлиги ~ 6,5 г/см³



X200




X800

3-расм. Пресслаш босими 600 МПа ва қиздириб пишириш ҳарорати 1100 °С бўлган темир-графитли намуналарнинг микроструктураси: зичлиги ~ 6,9 г/см³

Ўз навбатида пресслаш босимининг ошиши билан материалнинг қаттиқлиги ва зарбий қовушқоқлигининг ўзгариши кузатилади (4-расм).

Демак, темир-графитли композитнинг оптимал механик хоссасини (қаттиқлик, зарбий қовушқоқлик ва ўз навбатида зичлик) олиш нуқтайи назаридан нисбатан пресслаш босими 600 МПа ва материалнинг қиздириб пишириш ҳарорати 1100⁰С бўлган ҳолатда оптимал ҳисобланади.



- - 1100 °C ҳароратда қиздириб пишириш ҳарорати;
- Δ - 1250 °C ҳароратда қиздириб пишириш ҳарорати;
- × - 1300 °C ҳароратда қиздириб пишириш ҳарорати


4-расм. Темир-графитли қотишма қаттиқлигининг қиздириб пиширишдан кейин ўзгариши:

Янги антифрикцион металлокерамик қотишма ишлаб чиқишда пирит миқдорининг комплекс механик хоссасига, жумладан сиқилиш, эгилиш, чўзилишга бўлган мустаҳкамлик, қаттиқлик, зарбий қовушқоқликка қараб ўзгаришлари, шу билан бирга унинг ғоваклиги, зичлиги ва мойни шимдирувчанлигига таъсирини тадқиқот қилиш ишлари бажарилган.


Мустаҳкамлик ва қаттиқлик каби механик хоссаларни тадқиқ қилиш бўйича натижалар 5-8-расмларда тасвирланган. Зичлик, ғоваклик ва мойнинг шимдирувчанлигининг ўзгариши 9-расмда ўз аксини топган.

Бундан ташқари учинчи бобда янги антифрикцион қотишманинг кристалл тузилиши нуқсонлилигининг шихтадаги пирит миқдорига қараб ўзгаришининг рентгенографик тадқиқот қилишлар натижалари ҳам келтирилган. Бу эса пирит кўшимчасига эга бўлган темир-графитли қотишманинг кристалл тузилишининг нуқсонлиги пирит миқдори 1,5 % дан кўп бўлганда камайишини кўрсатди.


Ғовакли антифрикцион материал механик хоссасининг таҳлили шихта таркибидаги пирит миқдорига қараб ғовакли антифрикцион темир-графитли қотишманинг қаттиқлиги ва зарбий қовушқоқлиги каби мустаҳкамлик тавсифномаларини аниқлаш бўйича натижаларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлиб, пирит миқдорининг ошиши билан қотишманинг механик хоссаси камаяди (5-9-расмлар).




5-расм. Шихтадаги пирит микдорининг қаттиқлик HV ва сиқилишга бўлган мустаҳкамликка $\sigma_{сқ}$ боғлиқлиги: шихтадаги гафит микдори – 2 %




6-расм. Шихтадаги пирит микдорининг қаттиқлик HV ва радиал сиқилишга бўлган мустаҳкамликка $\sigma_{рад.сиқ}$ боғлиқлиги: шихтадаги графит микдори – 2 %



7-расм. Шихтадаги пирит миқдорининг қаттиқлик HV ва чўзилишга бўлган мустақамликка $\sigma_{\text{чўз}}$ боғлиқлиги: шихтадаги графит миқдори – 2 %



8-расм. Шихтадаги пирит миқдорининг қаттиқлик HV ва зарбий қовушқоқликка Q_H боғлиқлиги: шихтадаги графит миқдори – 2 %




9-расм. Шихтадаги пирит миқдорининг темир асосли антифрикцион қотишманинг зичлиги « γ », ғоваклиги « Π » ва мойни шимдирувчанликка « M » боғлиқлиги

Композициядаги пиритнинг миқдори 1% бўлганда механик хоссаси нисбатан оптимал бўлади. Бу ҳолатда тавсия этилаётган композициянинг механик хоссаси ишлаб чиқаришда қўлланиладиган антифрикцион материалларга мос келувчи етарли даражада бўлади. Тадқиқот натижалари зичлик, ғоваклик ва мой шимдирувчанликлар-нинг талаб этилган кўрсаткич даражалари ҳам пиритнинг миқдори шихтада 1% бўлганда эришишини кўрсатади.

Металлографик таҳлиллар темир-графит композициянинг ўзи перлит-ферритли структурадан ташкил топганлигини кўрсатди. Жумладан бунда перлитнинг миқдори тахминан 60% бўлади. Қотишмага пирит қўшилганда қўшимча алоҳида сульфидлар участкасини юзага келтиради.


Диссертациянинг «**Ғовакли темир асосли антифрикцион қотишмани трибологик синаш ва антифрикцион ғовакли қотишмани олишнинг техник ва лаборатория регламетини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи боби шихтасига қўшилган пирит миқдорига боғлиқ равишда темир асосли ғовакли антифрикцион материалларнинг триботехник хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Синовлар М1-М маркали ишқаланиш машинасида ўтказилди. Шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган ва пиритсиз темир-графитли втулкалар синовдан ўтказилди. Ишқаланиш коэффициенти ва турли сирпаниш тезликларида юкланишларга боғлиқ

равишда сирпаниш ишқаланишидаги ҳарорат тадқиқ қилинди (10 ва 11-расмлар).



- 1 – пиритсиз темир асосли антифрикцион қотишма;
- 2 – пирит микдори 1 % бўлган темир асосли антифрикцион қотишма

10-расм. Пиритга эга бўлган ва пиритсиз темир асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг сирпаниш ишқаланишида ҳароратнинг юкланишга боғлиқ равишда ўзгариши: сирпаниш тезлиги – 0,34 м/сек.




- 1 – пиритсиз темир асосли антифрикцион қотишма;
- 2 – пирит микдори 1 % бўлган темир асосли антифрикцион қотишма

11-расм. Пиритга эга бўлган ва пиритсиз темир асосли ғовакли антифрикцион қотишманинг сирпаниш ишқаланишида ишқаланиш коэффициенти F нинг юкланишга боғлиқ равишда ўзгариши: сирпаниш тезлиги – 0,34 м/сек.

Тадқиқотлар натижасида пирит қўшимчасига эга бўлган темир-графит қотишманинг ишқаланиш коэффиценти ғовакли темир-графитли қотишмадан 2-3 марта кичиклиги ва пирит қўшимчасига эга бўлган темир-графит ишқаланишининг ишчи ҳарорати худди шундай синаш режимларида ғовакли темир-графитникига нисбатан кичиклиги аниқланди.

Ғовакли антифрикцион қотишманинг ейилиш катталигини аниқлаш мақсадида интенсив ейилишни аниқлаш бўйича синовлар ўтказилди. Пирит қўшимчасига эга бўлган ғовакли темир-графитли қотишмалардан тайёрланган ишқаланиш буксаси интенсив ейилишга текширилди. Турли юкланишлар ва сирпаниш тезликларида 1% пирит қўшимчасига эга бўлган ғовакли темир-графитли қотишмадан тайёрланган буксани синаш натижалари пиритсиз темир-графитли қотишмадан тайёрланган буксага нисбатан солиштирма ейилиши 1,5-2 мартага кичик қийматга эга бўлишини кўрсатди (12-расм).



- 1 – пиритсиз темир асосли антифрикцион қотишма;
2 – пирит миқдори 1 % бўлган темир асосли антифрикцион қотишма

12-расм. Юкланишнинг темир асосли ғовакли антифрикцион қотишмадан тайёрланган буксанинг интенсив ейилишига таъсири: сирпаниш тезлиги – 1,17 м/сек:

«Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ қошидаги «Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ» даги жиҳозда ғовакли антифрикцион қотишмадан тайёрланган буюм (втулка)ни олиш технологиясига ишлов беришда «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ қошидаги «Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича

ИИЧБ» да ишлаб чиқарилган темир кукунидан тайёрланган буюмларнинг талаб этилган механик хоссасига эришиш учун уни 1100 °С ҳароратдан кам бўлмаган ҳароратда қиздириб пишириш керак эканлиги аниқланди.

Синов-ишлаб чиқариш партиясида тайёрланган буюмлар ҳамма параметрлари бўйича ТУ23.1324-83 га жавоб беради. Қиздириб пиширилган буюмларнинг механик хоссаларини назорат учун текширишлар 1-жадвалда кўрсатилган натижаларни кўрсатди (1-жадвал).

Тадқиқотлар натижасида олинган натижалар асосида Олмалик тоғ-металлургия комбинати АЖ қошидаги «Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ» шароитида темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмаларни ишлаб чиқаришнинг техник регламенти ишлаб чиқилди.

1-жадвал

«Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ қошидаги «Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ» да маҳаллий ишлаб чиқариш кукунларидан олинган ЖГр2П1 маркали қотишмадан тайёрланган назорат втулкасининг радиал сиқилиш бўйича мустаҳкамлиги

Ташқи диаметр, D, мм	Девор қалинлиги, а, мм	Узунлиги, L, мм	Емирилишнинг максимал юкламаси, Р, тах, кГкуч	Радиал сиқилиш бўйича максимал емирилиш кучланиши, σ , рад.сик., МПА
30,6	5,4	15,5	625	341
30,6	5,4	15,5	630	344
30,6	5,4	15,5	620	338
30,6	5,4	15,5	580	330

Ишлаб чиқилган темир асосли антифрикцион ғовакли материалларни олиш технологияси асосида сирпаниш подшипниклари стендда синаш учун тайёрланди. Стендда синашни ишлаб чиқариш учун пахта териш машинаси шпинделининг пастки таянчи (опораси) ни қўллашга келишиб олинди. Бу эса ўз навбатида, ҳозирги вақтда пахта териш машинасига захира қисмларига жумладан пастки таянчнинг подшипник втулкаларига бўлган талаби етарли даражада юқорилигидан келиб чиқади. Бундан ташқари пастки таянчнинг подшипник втулкалари ишлаш шароити етарли даражада оғир бўлиб, улар ўз-ўзини мойлаш шароитида ишлайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки,

ейилишбардошлиликни унча катта бўлмаган вақтлар оралиғида аниқлаш мумкин. Синовлар КИСА маркали стендларда «Бўз пахта тозалаш» АЖда ўтказилди. Синаладиган барабанлар завод технологияси асосида «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖ қошидаги «Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ» да йиғилди. Завод технологияси асосида барабанларни йиғишдан олдин пастки таянчига втулка пресслангандан сўнг тешиқ развёртка қилинди. Тешиқнинг диаметри нутромер ёрдамида юқориги ва пастки боҳи (баландлик) бўйича ўлчанди.

Синаш натижалари «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖ қошидаги «Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ» да олинган кукундан тайёрланган втулканинг энг кичик ейилишга эга бўлишини кўрсатди.

Темир асосли антифрикцион қотишмани ишлаб чиқариш бўйича техник регламентини «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖга қарашли «Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ» га қўллашдан иқтисодий самарадорлик 65 млн. сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ғовакли антифрикцион материаллар ишлаб чиқаришда импортга боғлиқлик ҳолатини камайтириш учун маҳаллий хомашё асосида ғовакли антифрикцион қотишма тайёрлашнинг технологик жараёни ишлаб чиқилди.

2. Ғовакли антифрикцион материаллар ишлаб чиқариш технологиясида «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖ да ишлаб чиқарилган темир кукуни ва олтингугуртга эга бўлган кўшимча сифатида ишлаб чиқариш чиқиндисиди ҳисобланган пирит қўлланилиши натижасида ғовакли антифрикцион материаллар саноат даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этишга тавсия этилди.

3. 97% - темир кукуни, 2% - графит элементи ва 1% - пирит таркибга эга бўлган антифрикцион мақсадлар учун мўлжалланган металлокерамик қотишмани ишлаб чиқаришда шихтанинг оптимал таркиби тавсия этилди.

4. Шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани пресслаш ва қиздириб пишириш режимлари тавсия этилди.

5. Шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган (пирит миқдори 1%) темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди.

6. Мойни шимдириш 2% ва унда юқори даражада таъминлайдиган ва бу билан ўз навбатида ТУ231.324-83 талабига жавоб берадиган шихтасига пирит кўшимчаси кўшилган (пирит миқдори 1%) темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани олиш технологияси режимлари тавсия этилди.

7. Шихтасига пирит қўшимчаси қўшилган темир кукуни асосли ғовакли антифрикцион қотишмани ишлаб чиқаришнинг техник регламенти ишлаб чиқилди ва бу ишлаб чиқилган регламент стандарт жиҳозларнинг унумдорлигини 30 – 40% га оширишга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИТАРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ОРИБЖОН РАХИМБЕРДИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ТЕХНОЛОГИИ
ПОЛУЧЕНИЯ ПОДШИПНИКОВ СКОЛЬЖЕНИЯ МЕТОДОМ
ПОРОШКОВОЙ МЕТАЛЛУРГИИ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное
производство. Термическая обработка и обработка металлов давлением.
Металлургия черных, цветных и редких металлов. Технология
радиоактивных, редких и благородных элементов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2019.2.PhD/T1131 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Андijanском машиностроительном институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.gurft.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Норхужасв Файзулла Рамазанович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Якубов Махмуджон Махамаджонович
доктор технических наук, профессор

Қаршиев Мамарайим Сапиевич
кандидат технических наук, доцент


Ведущая организация: Ферганский Политехнический Институт


Защита диссертации состоится «07» январь 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqiyot@mail.ru, www.gurft.uz. на здании ГУП «Фан ватараккиёт», 2 этаж, зал конференций (онлайн)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (зарегистрировано номером №30). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73.

Автореферат диссертации разослан «26» декабрь 2020 года
(протокол ресстра №30 от «18» декабрь 2020 г.).




С.С.Негматов
председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
академик АН РУз, д.т.н., профессор


М.Г. Бабаханова
учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.х.н., с.н.с.


Н.Талипов
председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире производство композиционных материалов, фактически является отдельной отраслью промышленности, которая сформировалась ввиду постоянно растущей потребности в материалах обеспечивающих максимальный эффект от их использования при минимальных затратах на их производство. Особое значение машиностроению имеет разработка антифрикционных пористых порошковых материалов снижающих коэффициент трения в подвижных узлах трения машин и механизмов, и значительно повышающих рабочий ресурс.

В мировом масштабе ведется большое количество научно-исследовательской работы по разработке технологических процессов по получению новых порошковых антифрикционных материалов путем введения в порошковую композицию определенных добавок с целью получения заданных свойств для конкретных условий эксплуатации. В этом аспекте требуется создание универсального антифрикционного материала способного работать в различных конструкциях и условиях.

В республике ведется большими темпами развитие металлургической промышленности и большое внимание уделяется вопросам импортзамещения и внедрения новых инновационных технологий по максимальному использованию сырьевых материалов. В четвертом пункте Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены важные задачи «...стимулирование научных исследований и инноваций, создание эффективных механизмов для реализации инновационных достижений»¹. По этой причине важное значение имеет разработка технологий получения нового антифрикционного материала на основе железного порошка и пирита отхода производства АО «АГМК».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, представленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4749 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановленных №ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017- 2019 годы», выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева от 24 мая 2019 года в Национальном университете Узбекистана с представителями науки и образования протокол №21 пункт 64, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II «Энергетика, энергоресурсо-сбережения, машиностроение и ресурсосбережение».

